

Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Самарқандга ташриф буюрди



Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар жорий йил 31 октябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмон дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк Йўлбошчимиз қабрига гул қўйилиб, унинг хотирасига хурмат бажо келтирилди. Ислон Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Ислон Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва унинг тараққиёти йўлида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширган буюк давлат арбоби, халқаро майдонда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси манфаатларини муносиб ҳимоя қилган улғу сиёсатчи бўлгани таъкидланди.

– Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов вафоти Ҳиндистон ҳукумати ва халқини ҳам чуқур қайғуга солди, – дейди Мобашар Жавад Акбар. – Чунки Ислон Каримов нафақат Ўзбекистон раҳбари, балки халқаро майдонда юксак нуфузга эга, тинчликпарвар, доно сиёсатчи эди. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишида Ислон Каримовнинг хизматлари жуда катта бўлди. Биз бу алоқаларни изчил давом эттиришга тайёرمىз.

Ҳиндистонлик меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг қарийб уч минг йиллик тарихидан сўзловчи "Афросиёб" музейидаги ноёб экспонат ва ашёлар, дунёга машҳур деворий суратларни қизиқиш билан томоша қилди. Шаҳар ўтмиши акс эттирилган хужжатли фильм уларда катта таассурот қолдирди.

Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш чоғида мазкур ёдгорликнинг яратилиш тарихи, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Мирзо Улуғбек ёдгорлик мажмуи ва шаҳардаги бошқа тарихий обидалар, миллий хунармандлик маҳсулотлари кўرғазмаси ҳам ҳиндистонлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Меҳмонлар бундай ноёб меъморий обидаларни бунёд этган буюк аجدодларимиз ақлу заковатига, уларни безавол асраб келаётган бугунги авлоднинг тарихимизга

муносабатига юксак баҳо берди.

ЎЗА